

Қуръон мўминлар учун ҳидоят ва раҳматдир | Қуръони Карим дарслари (168-дарс)



19:00 / 08.09.2025 1514

Аллоҳ таоло Намл сурасида шундай марҳамат қилади:

«Албатта, сен Қуръонни Ҳакийм, Алийм (Зот)нинг даргоҳидан қабул қилиб олмоқдасан», деган (6-оят).

Бу Қуръонни сенга йўллаётган Зот ўта ҳикматли Зотдир. У ҳар бир ишни ҳикмат ила қилади. Ҳикматсиз иши йўқдир. Жумладан, Қуръонни сенга бериши ҳам улкан ҳикматдир. Бунинг устига, Қуръоннинг ўзи ҳам ҳикматга тўладир.

У Зот ўта илмли бўлгани учун ҳар бир ишни илм ила қилади. У Зотнинг илмга асосланмаган иши йўқдир. Жумладан, Қуръонни сенга тушириши ҳам илми билан боғлиқдир. Бунинг устига, Қуръоннинг ўзи ҳам илмларга тўладир.

Аллоҳ таоло яна:

«Албатта, ушбу Қуръон Бани Исроилга улар ихтилоф қилаётган нарсаларнинг кўпини айтиб берадир. Албатта, у мўминлар учун ҳидоят ва раҳматдир», деган («Намл» сураси, 76-77-оятлар).

Бани Исроил ихтилоф қилган ва қилаётган масалалар анча-мунча. Бани Исроил Таврот ҳақида, унинг шариати, Пайғамбарлар, Исо алайҳиссалом

ҳақларида ва яна бошқа кўпгина масалалар устида ихтилофлар қилганлар ва қилмоқдалар. Қуръони Карим улар ихтилоф қилган ва қилаётган масалаларни ҳақ йўл билан ҳал этиб берди.

«Албатта, у мўминлар учун ҳидоят ва раҳматдир».

Ҳа, Қуръони Карим билан Аллоҳ иймонли кишиларни энг тўғри йўлга ҳидоят қилади. Қинғир йўлдан тўғри йўлга йўллайди. Ихтилофли йўлдан ихтилофсиз йўлга бошлайди. Унинг билан ҳидоятланган мўминлар икки дунё саодатига эришадилар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 30-жузи

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.